

ЎЗБЕКИСТОН ИЛМ-ФАНИДА ГЕНДЕР СИЁСАТИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ

Муртазаева Рахбархон Хамидовна

Ўзбекистон Миллий университети, тарих факультети, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи кафедраси профессори, тарих фанлари доктори, Ўзбекистон хотин-қизлар "Olima"

уюшмаси раиси

Тел: +998908087265

Email: rhmyrt@rambler.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18708048>

Аннотация

Илмий мақолада Ўзбекистонда гендер сиёсатига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжудлиги ҳамда хотин-қизларни илмий тадқиқотлар олиб бориш учун шароитлар яратилганлиги кўрсатилган. Соҳани бошқарув тизими жойларда ва тегишли ташкилотларда тузилганлиги ҳақида маълумот келтирилган. Мақолада ишончли статистик маълумотлар асосида турли илмий йўналишлардаги оlima-аёллар сони кўрсатилган. Номлари келтирилган олималарни ютуқлари нафақат Ўзбекистонда, балки хорижий давлатларда ҳам тан олинган.

Калит сўзлар: гендер сиёсати, бошқарув, оlima, илм-фан, ютуқлар.

Аннотация

В научной статье освещается ряд нормативно-правовых документов по гендерной политике, отмечается, что в Узбекистане создана система управления наукой и гендерной политикой как на местах, так и в республиканских органах. На достоверных статистических данных показано количество ученых женщин по различным научным направлениям. В статье представлены имена ученых женщин известных не только в Узбекистане, но и признанных в зарубежных странах.

Ключевые слова: гендерная политика, управление, учёная, наука, успехи.

Abstract

The scientific article examines the existence of a comprehensive regulatory and legal framework governing gender policy in Uzbekistan, as well as the creation of favorable conditions for women to engage in scientific research. It provides information on the establishment of a management system for the sector at the local level and within relevant institutions. The article presents the number of women scholars working across various scientific disciplines based on reliable statistical data. It is emphasized that the achievements of the notable female scientists have been recognized not only in Uzbekistan but also internationally.

Keywords: gender policy, governance, woman scholar, science, achievements.

Ўзбекистон Президентининг нутқларида илм-фани ривожлантиришга ҳамда хотин-қизларни илмий фаолият олиб боришига алоҳида эътибор қаратилади. Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган ЮНЕСКОнинг 43-сессиясидаги нутқида қуйидаги таклиф киритилиши келажакда олималарга илм-фанда юқори ютуқларни қўлга киритишга хизмат қилади.

"Гендер тенглиги ЮНЕСКОнинг фундаментал, устувор вазифаларидан бири бўлиб, Ташкилотнинг барча ташаббуслари унга интеграция қилиниши зарурлиги белгилаб қўйилган. Бу борада аъзо давлатларнинг энг илғор тажриба ва амалиётини ўрганиш, билимлар алмашиш мақсадида Хотин-қизлар етакчилиги бўйича ЮНЕСКО

академиясини ташкил этиш вақти келди, деб хисоблаймиз. Шунингдек, Самарқандда барча қитъаларнинг машхур тадқиқотчилари, санъат намояндалари, педагог ва ихтирочи хотин-қизларнинг Таълим, маданият ва фан соҳасидаги глобал форумини ўтказишни таклиф этамиз" [1], деб таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев.

Маълумки, Ўзбекистонда гендер сиёсатини амалга оширилишининг биринчи босқичида норматив-ҳуқуқий пойдевор яратилди.

Миллий фанни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган энг муҳим ҳужжатлардан бири Президент томонидан 2019 йил 29 октябрда имзоланган «Фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги Қонун бўлди. Унда таъкидланишича, фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари миллий иқтисодиётнинг ракобатбардошлиги ва самарадорлигини ошириш, янги тармоқлари яратиш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш билан боғлиқ муаммоларни илмий жиҳатдан ҳал этиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Шунингдек, 2020 йил 29 октябрда давлат раҳбари "2030 йилгача фанни ривожлантириш тўғрисида"ги Фармонини имзолади. Ҳужжат фан соҳасини янада такомиллаштиришнинг барча йўналишларини қамраб олади ҳамда инновацион лойиҳаларни амалга ошириш орқали иқтисодиёт соҳасида юқори кўрсаткичларга эришиш бўйича бир қатор муҳим вазифаларни белгилаб беради.

"Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги Қонун (02.09.2019) — гендер тенглигини таъминлашнинг умумий принциплари, давлат органлари ваколатлари, турли соҳаларда (меҳнат, таълим, соғлиқни сақлаш, сайловлар ва ҳ.к.) тенг имкониятлар кафолатини белгилайди.

Сўнгги йиллардаги илм-фанни ривожланишига ва ундаги хотин-қизларни ўрни масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Бу масала давлат даражасига кўтарилганлигини гувоҳимиз.

Гендер сиёсати ижроси мамлакатда тўртта даражада ташкил этилмоқда. Энг аввало Парламент ва қонунчилик назорати Олий Мажлис Сенатида Хотин-қизлар ва гендер тенглиги бўйича қўмитаси фаолияти гендер сиёсати бўйича қонунчиликни такомиллаштириш, мониторинг ва тавсиялар ишлаб чиқишда муҳим роль ўйнади. Иккинчи, илмий даражада координация БМТ CEDAW қўмитасининг хулосаларида (2021 й.) 2019 йилда Гендер тенглиги бўйича комиссия ва сенат қўмитаси ташкил этилгани институционал нуқтаи назардан ижобий қадам сифатида қайд этилди. Учунчидан, ижро ҳокимияти ва ҳудудий ижро даражаси. Амалда гендер сиёсати бўйича вазифалар марказий идоралар билан бирга ҳудудий бўлинмалар, маҳаллий ижро органлари, ижтимоий хизматлар ва профилактика тизими орқали бажарилмоқда. Тўртинчи даража - бу Инсон ҳуқуқлари институтлари ва тегишли тузилмалар гендер масалаларида ҳуқуқий мониторинг, мурожаатлар билан ишлаш, маърифий ишлар ҳамда халқаро механизмлар билан ҳамкорликда иштирок этмоқда.

Гендер сиёсати амалиётда яққол кўзга кўринмоқда. Ушбу жараён илм-фанда ўз самарасини кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда илм-фандаги феминизация жараёни ўз самарасини бермоқда ва хотин-қизлар Ўзбекистон илм-фанида 48 фоизни ташкил этади. Ўзбекистонда фан - жамиятнинг энг қимматли капитали, давлатнинг интеллектуал

ресурси. Мамлакат илм-фанидаги аёллар сони (2021 йил): табиий фанларда - 3.059; техника фанларда - 1.393; ижтимоий фанларда - 2.508, гуманитар фанларда - 2.504 [2]

ИЛМ-ФАНДА ХОТИН-ҚИЗЛАР [3]

Олий таълимдан кейинги таълимда таҳсил олаётган хотин-қизлар: 15 926 нафар 47,8 %	Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ажратилган квота бўйича: (DSc) – 379 нафар (PhD) – 6 551 нафар Стажёр-тадқиқотчи – 165 нафар	Жорий йилда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ажратилган квота бўйича: (DSc) – 183 нафар (PhD) – 2 833 нафар Стажёр-тадқиқотчи – 165 нафар	Мустақил изланувчи сифатида таҳсил олаётган хотин-қизлар: (DSc) – 1 341 нафар (PhD) – 7 490 нафар
2025- йилда хорижий илмий стажировкага юборилган хотин-қизлар Жами: 17 нафар	Туркияга – 9 нафар		
	Латвияга – 1 нафар		
	Хитойга – 3 нафар		
	Буюк Британияга – 1 нафар		
	Венгрияга – 1 нафар		
	Беларусь Республикасига – 1 нафар		
Бирлашган Араб Амирликларига – 1 нафар			
1 612 та	2022–2025-йиллар мобайнида “Олима аёллар” танловига тақдим этилган лойиҳа талабномалари:	540 та	2025-йил март ойида “Олима аёллар” танловига тақдим этилган лойиҳа талабномалари:
156 та	Саралаб олинган ва молиялаштирилган лойиҳалар:	408 та	Кейинги босқичларга тавсия этилмаган лойиҳалар:
127,3 млрд сўм	Умумий қиймати:	132 та	Турли босқичларда кўриб чиқиляётган лойиҳалар:

ОТМлардаги академиклар сони (эркак/аёл) [4]

Т/р	Кўрсаткичлар	Й и л л а р								
		2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2024	2025*
1.	Олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган академиклар сони	30	30	30	27	26	23	23	56	56

Изоҳ: ОТМ ларда фаолият юритаётган академиклар орасида аёллар йўқ.

ОТМлардаги фан номзодлари (PhD) сони (эркак/аёл)

Т/р	Кўрсаткичлар	Й и л л а р								
		2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2024	2025*
1.	Олий таълим муассасаларидаги фан номзодлари (PhD) сони, жумладан:	6 649	7 050	7 868	9 090	10 029	10 651	11 477	13797	14723

1.1	Эркаклар	4 788	5 050	5 744	6 554	7 231	7 680	8 379	8706	9484
1.2	Аёллар	1 861	1 974	2 124	2 536	2 798	2 971	3 098	5091	5239

Ўзбекистон ОТМлардаги фан докторлари (DSc) сони (эркак/аёл)

Т/р	Кўрсаткичлар	Й и л л а р								
		2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2024	2025*
1.	Олий таълим муассасаларидаги фан докторлари (DSc) сони сони:	1 666	2 023	2 256	2 312	2 657	2 799	2 764	3197	3425
1.1	Эркаклар	1 183	1 437	1 602	1 642	1 888	1 988	1 935	2228	2446
1.2	Аёллар	483	586	654	670	769	811	801	969	979

Маҳаллий журналларда нашр этилган мақолалар сони

Т/р	Кўрсаткичлар	Й и л л а р								
		2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2024	2025*
1.	Профессор-ўқитувчилар томонидан маҳаллий журналларда нашр этилган мақолалар сони	3 736	6 756	10 484	13 972	17 820	24 654	3 418	4866 9	9927

Scopus/Web of Science базаларида индексланувчи журналларда нашр этилган мақолалар сони

Т/р	Кўрсаткичлар	Й и л л а р								
		2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2024	2025*
1.	Профессор-ўқитувчилар томонидан Scopus/Web of Science базаларида индексланувчи журналларда нашр этилган мақолалар сони	364	421	1 429	3 739	3 656	3 876	550	14373	2634

Машҳур ва таниқли олималар сони йилдан йилга кўпаймоқда.

Ўзбекистонда олималар нафақат мамлакатимизда, балки хорижий давлатларда ҳам уларнинг ютуқлари тан олинган.

1. Дилфуза Эгамбердиева - "Super crops" (супер экинлар) лойиҳалари бўйича микроорганизмларнинг ўсимликлар билан ўзаро таъсирини ўрганади, чекка ерлар, тузланган тупроқлар ва шўрли ерларда ҳам ўсимлик қилиб етиштириш имкониятларини яратади. Бу тадқиқотлар озиқ-овқат хавфсизлиги, тупроқни тиклаш, экологик барқарорлик каби мақсадларга хизмат қилади.

2. Лейла Белялова - биолог, эколог, Ўзбекистонда қушлар ва бошқа биология хилма-хилликни сақлаш, табиий ҳудудларда мониторинг ва муҳофаза ишлари кесимида

фаол. Бу Биохилмахиллик мақсадларига, экологик тизимларнинг барқарорлигига ҳисса қўшади.

3. Нилуфар Роббанакуловна Авезова - қайтарувчи энергия манбаилари ва энергия самарадорлиги соҳасида кенг тадқиқот-қўллаб-қувватлаш ишлари мавжуд. Бу Ўзбекистоннинг энергия сиёсатида, атмосферанинг ифлосланишини камайтириш ва "яшил" энергетикага ўтишда муҳим роль ўйнайди.

4. Шахло Турдикулова - биология фанлари доктори, Ўзбекистон ФА вице-президенти лавозимини эгаллаган биринчи аёл бўлди. Инсон генетикаси бўйича билимга эга бўлган у 160 дан ортиқ илмий мақолалар, жумладан иккита дарслик ва иккита монография тақдим этган ва халқаро нашрларда 40 дан ортиқ мақолалар чоп этган.

5. Нилуфар Мамадалиева - биокимёгар олима, унинг илмий фаолияти Марказий Осиёдаги шифобахш ўсимликларнинг фаол моддалари фитокимёвий ва биологик тадқиқотларига қаратилган. У 2011 йили ҳаёт фанлари соҳасидаги ёш аёллар учун тақдим этиладиган UNESCO-L'Oréal мукофотида сазовор бўлган. 2014 йилда эса ривожланаётган мамлакатларнинг ёш аёл олималари учун бериладиган Elsevier Foundation Award мукофоти билан тақдирланган.

Хулоса

Барқарор ривожланиш мақсадлари ва вазифаларни бажарилиши жараёнида Ўзбекистон давлати олима аёллари фаол иштирок этмоқда. Бу мақсадларга эришишда илм-фаннинг, хусусан, олималарнинг роли беқиёс. Улар таҳлил, инновация, сиёсат яратиш ва фаолият самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Тавсиялар:

1. Минтақавий илмий платформалар ва форумлар сонини кўпайтириш;
2. Ёш тадқиқотчилар ва аёл олимларни қўллаб-қувватлаш;
3. Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш;
4. Илмий натижаларни амалиётга татбиқ қилиш механизмларини кучайтириш.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессиясининг очилиши маросимидаги нутқи. president.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги рақамларда (2017-2025 йй.).
3. Инновация ривожланиш агентлиги. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги рақамларда (2017-2025 йй.).